

“JASUR TO MORQA” МЧЖ кейинги ўринларда “Сотувчи” деб юритилади, ўзининг Устав (низоми, устави, ишончнома) асосида иш юритувчи директори М.Урақов номидан, бир томондан ва Оқдарё туман ҳокимлиги кейинги ўринларда “Буюртмачи” деб юритилади, ўзининг устав асосида (низоми, устави, ишончнома) асосида иш юритувчи Ш.Кудратов номидан, иккинчи томондан мазкур шартномани куйидагилар ҳақида тузилар.

I. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. Мазкур шартнома бўйича “Сотувчи”, “Буюртмачи”га куйидаги товарларни етказиб беришни ўз зиммасига олади. “Буюртмачи” ушбу товарларни қабул қилиш ва қийматини тўлаш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

Т/Р	Совғалар номи	Ўлчов бирлиги	Миқдори	Тахминий нархи	Суммаси
1	Бумага для офисной техники цветная (диплом когози)	упак	35	45 000	1 575 000
2	Блокнот	дона	210	45 000	9 450 000
ЖАМИ		X	X	X	11 025 000

1.2. Товарларнинг аниқ турлари, уларнинг сони, сифати ва нархи, шунингдек уларни кўрсатиш муддатлари мазкур шартноманинг таркибий қисми ҳисобланган иловада келтирилади

II. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

2.1. " Буюртмачи "нинг ҳуқуқлари:

- 2.1.1. "Сотувчи"дан шартномани бажариш учун зарур бўлган амалдаги давлат стандартлари ва бошқа норматив ҳужжатлар билан таъминлашни талаб қилиш;
- 2.1.2. "Сотувчи"дан "товарларни" "Буюртмачи"нинг ҳисобига транспортда ташилганда транспорт харажатларини қоплашни талаб қилиш;
- 2.1.3. " Сотувчи "дан мазкур шартномага мувофиқ бериладиган кўрсатилишини буюртманомага мувофиқ тегишли сифатга эга бўлган " товарлар " кўрсатилишини талаб қилиш;
- 2.1.4. Зарур сифатга эга бўлмаган " товарлар " ўз танлашига кўра:
 - зарур сифатга эга бўлмаган " товарлар " шунга ўхшаш " товарлар " билан алмаштирилишини;
 - "Товарлар"нинг камчиликлари бепул бартараф этилишини ёки камчиликлар "Буюртмачи" ёхуд учинчи шахслар томонидан тўғрилиниши харажатларини қоплашни;
 - баҳосининг мутаносиб тарзда камайтирилишини талаб қилиш;
- 2.1.5. Шартнома шартлари бажарилмаганлиги ёки зарур даражада бажарилмаганлиги натижасида етказилган зарар қопланишини " Сотувчи "дан талаб қилиш.

2.2. "Буюртмачи"нинг мажбуриятлари.

- 2.2.1. Ўз буюртманомаси бўйича кўрсатилган " товарлар "ни мазкур шартномага мувофиқ қабул қилиш;
- 2.2.2.«Товарлар»га мазкур шартноманинг 3.1-бандида кўрсатилган нарх бўйича, қабул қилиш-топшириш далолатномаси имзоланган пайтдан бошлаб, ғазначилик бўлими рўйхатидан ўтказгандан сўнг 10 кун мобайнида ҳақ тўлаш.

2.3. «Сотувчи» куйидаги ҳуқуқларга эга:

- 2.3.1. Етказиб бериладиган "товарлар" учун олдиндан ҳақ тўланишини ва амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва ҳажмда узил-кесил ҳисоб қилинишини "Буюртмачи"дан талаб қилиш;
- 2.3.2. Берилган буюртманомага мувофиқ етказиб берилган "товарлар"ни қабул қилиш асосиз рад этилиши натижасида етказилган зарар қопланишини "Буюртмачи"дан талаб қилиш.

2.4. «Сотувчи» куйидагиларга мажбур:

- 2.4.1. «Буюртмачи» билан тузган шартномаси Ғазначилик бўлимидан руйхатдан ўтказилгандан сўнг "товарлар"ни кўрсатиш;
- 2.4.2. "Буюртмачи"га "товарлар"ни мазкур шартномага мувофиқ ёки "Буюртмачи" томонидан мазкур шартноманинг 4.8-бандида назарда тутилган тартибда бериладиган унинг буюртманомасига мувофиқ муддатлар, сифат ва миқдорда етказиш;
- 2.4.3. Агар "товарлар"ни кўрсатиш жараёнида "сотувчи" шартнома шартлари ва нормативлардан чекинишга йўл қўйган бўлса, "Буюртмачи"нинг талаби билан аниқланган барча камчиликларни 5 кун муддатда текин тузатиб бериш.

III. ШАРТНОМАНИНГ БАҲОСИ ВА ҲИСОБ-КИТОБ ТАРТИБИ

- 3.1. Мазкур шартноманинг баҳоси **11 025 000** (ўн бир миллион йигирма беш минг) сўмни ташкил этади. Етказиб бериладиган "товарлар"нинг баҳоси мазкур шартномага иловада кўрсатилган.
- 3.2.Шартноманинг умумий суммаси **11 025 000** (ўн бир миллион йигирма беш минг) сум деб белгиланди, товарлар (хизматлар) учун олдиндан тулов миқдори 30%ни ташкил қилади.
- 3.3. Етказиб бериладиган "товарлар" учун пул кўчириш йўли билан нақд пулсиз тартибда ҳисоб-китоб қилинади.

IV. ШАРТНОМАНИНГ БАЖАРИЛИШ

- 4.1. Шартнома мазкур шартнома ва конун ҳужжатлари шартлари ва талабларига мувофиқ зарур тарзда бажарилиши керак. Агар томонлар ўз зиммаларига қабул қилинган барча мажбуриятлар бажарилишини таъминласа, шартнома бажарилган деб ҳисобланади.
- 4.2. Шартнома бажарилишини бир томонлама рад этишга ёки шартнома шартларини бир томонлама ўзгартиришга йўл қўйилмайди, конун ҳужжатларда белгиланган ҳоллар бундан мустасно.
- 4.3. "Товарлар"ни қабул қилиш-топшириш далолатномалари тузилган сана шартномалар бўйича мажбуриятлар бажарилган сана ҳисобланади. "Буюртма"чининг Ҳисоб-китоб ҳужжатида ғазначилик бўлинмаларининг штампида кўрсатилган сана "товарлар"га ҳақ тўлаш бўйича "Буюртмачи" мажбуриятлари бажарилган сана ҳисобланади.
- 4.4. "Буюртмачи" муддатлар бузилган ҳолда етказилган "товарлар"ни қабул қилишни рад этишга ҳақлидир.
- 4.5. Назарда тутилган микдордан ортикча бир номда "товарлар" кўрсатилиши ушбу ассортиментга кирувчи бошқа номдаги кўрсатилмаган "товарлар" ўрнини тўлдириш сифатида қаралмайди ва етказилган "товарлар"нинг ўрни тўлдирилиши керак, бундай "товарлар" "Буюртмачи"нинг олдиндан берилган ёзма розилиги бўйича кўрсатилган ҳоллар бундан мустасно.
- 4.6. Етказилган "товарлар" бевосита "Буюртмачи"нинг масъул ходими томонидан ҳисоб фактура бўйича қабул қилинади. Ҳисоб фактурада кўрсатилган "товарлар" микдори, уларнинг сифати кўрсатилади.
- 4.7. Шартномада назарда тутилган "товарлар" кўрсатилиши мазкур шартномага мувофиқ ёки "Буюртмачи"нинг буюртманомаси кўрсатилган муддатлар ва ҳажмда мазкур шартномада кўрсатилган давр мобайнида амалга оширилади. Ушбу мақсадларда "сотувчи" Буюртмачиларнинг буюртманомаларини рўйхатдан ўтказиш дафтарини юритад
- 4.8. "Буюртмачи" илгари берилган буюртманомани бекор қилишга ёхуд "товарлар"нинг тегишли қисмларини кўрсатиш санасини ўзгартиришга ҳақлидир, бу ҳақда "сотувчи"ни буюртманомада кўрсатилган сана бошланишидан камида 2 кун олдин хабардор қилади.

V. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

- 5.1. "Товарлар" сифати, микдори "сотувчи" томонидан нотўғри аниқланиши, уларнинг қиймати нотўғри белгиланиши ва ундирилиши ҳоллари аниқланган тақдирда "сотувчи" "товарлар"нинг сифатини, шунингдек уларнинг микдорини ҳисобга олган ҳолда қайта ҳисоб-китоб қилади, ҳисоблаб чиқилган ушбу суммадан ташқари буюртмачига нотўғри ҳисоб-китоб қилинган сумманинг 3 фоизи микдоридан жарима тўлайди.
- 5.2. Агар етказилган "товарлар"нинг сифати, ассортиментини, навлари стандарт, техник шартлар талабларига, намуналарга (эталонларга) ёки шартномада белгиланган бошқа шартларга жавоб бермаган тақдирда, айбдор томон кўрсатилган, сифати зарур даражада бўлмаган "товарлар" қийматининг 3 фоизи микдоридан жарима тўлайди.
- 5.3. "Товарлар"ни етказиш бўйича шартномада назарда тутилган мажбуриятлар бажарилиши рад этилганлиги учун "Сотувчи" "Буюртмачи"га белгиланган устамалардан ташқари кўрсатилиши керак бўлган "товарлар"нинг 25 фоизи микдоридан жарима тўлайди. Жаримадан ташқари, "сотувчи" "Буюртмачи"га "Товарлар" кўрсатилмаслиги натижасида етказилган зарарни тўлайди.
- 5.4. Товарлар етказиш кечиктирилган ёки тўлиқ еказилган тақдирда "Бажарувчи" "Буюртмачи"га кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи микдоридан пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси "Товар" қийматининг 50 фоизидан ортик бўлмаслиги керак. Пеня тўланиши шартнома мажбуриятларини бузган томонни шартномани зарур тарзда бажаришдан ва "Товарлар" етказиш муддати кечиктирилиши ёки тўлиқ кўрсатилмаслиги туфайли етказилган зарарлар қопланишидан озод этмайди.
- 5.5. "Товарлар" учун ўз вақтида ҳақ тўланмаганда "Буюртмачи" "Бажарувчи"га муддати кечиктирилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи микдоридан махсус ҳисобрақамидан пеня тўлайди, бироқ бу кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортик бўлмаслиги керак.
- 5.6. "Буюртмачи" томонидан тегишли контрактация шартномаси бажарилмаганлиги ёки зарур даражада бажарилмаганлиги учун "Буюртмачи"ни жавобгарликка тортишда шунингдек унинг хатти-ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) "Буюртмачи" томонидан контрактация шартномаси бўйича шартнома мажбуриятлари бажарилмаслигига (зарур тарзда бажарилмаслигига) олиб келган "Бажарувчи"нинг жавобгарлиги ҳам кўриб чиқилади. "Бажарувчи"нинг айби билан контрактация шартномасининг "Буюртмачи" томонидан бажарилмаслиги (зарур тарзда бажарилмаслиги) натижасида етказилган зарар белгиланган тартибда "Бажарувчи" томонидан қопланади.
- 5.7. Мазкур шартномада назарда тутилмаган томонларнинг жавобгарлиги чора-тадбирлари фуқаролик конунчилиги нормаларига мувофиқ қўлланилади.
- 5.8. Назорат органлари томонидан утказилган текшириш давомида бажарилган ишлар ва товар маҳсулотлар нархи юқори деб топилган тақдирда уртадаги фарқ товар етказиб берувчи томонидан қопланади.

VI. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

- 6.1. Келишмовчиликлар ва низоли масалалар келиб чиққан тақдирда, томонлар, коидага кўра, мустақил равишда уларни судгача ҳал этиш чораларини кўрадилар.
- 6.2. Томонлар келишмовчиликлар ва низоларни ҳал этиш учун бевосита судга мурожаат қилишга ҳақлидир

VII. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШИ

- 7.1. Томонлар ўртасидаги муносабатлар улар томонидан мазкур шартноманинг барча шартлари бажарилган ва ҳисоб-китоб тўлиқ тугалланган тақдирда тўхтатилади.
- 7.2 Шартномани тарафларнинг узаро келишувига асосан ёки Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексида ҳамда амалдаги конун ҳужжатлари нормаларига биноан келтирилган зарарни тўлаган ҳолда муддатидан илгари бекор қилиши мумкин.

4920660



Yuridik shaxs (tadbirkorlik subyektini) davlat ro'yxatidan o'tkazilganligi to'g'risida

GUVOHNOMA

Ushbu bilan Tadbirkorlik subyektlari yagona davlat reyestriga

"JASUR TO MORQA" Mas'uliyati cheklangan jamiyat

(Yuridik shaxsning - tadbirkorlik subyektlari yagona davlat reyestriga kiritilgan holdagi to'liq nomi)

"JASUR TO MORQA" MChJ

(Yuridik shaxsning qisqartirilgan nomi)

Tashkil etish (qayta tashkil etish, boshqa ro'yxatdan o'tkazish ma'lumotlarini o'zgartirish)

04.04.2022

1120476

ro'yxat raqamli yozuv kiritilganligi tasdiqlanadi

(Sana, oy (isd' bilan) yil)

Sohib to'lovchining identifikatsiya raqami (STIR)

309433499

Tashkiliy-huquqiy
shaxs

Mas'uliyati cheklangan jamiyat

Joylashgan joyi

Samarqand viloyati, Oqdaryo tumani, Loyish, Samarqandskiy oblast',
Ақдарьинский район, Лойиш ГСГ, Мустақиллик МСГ, уй. Зарафшон, дом
82а.

Guvohnoma

Samarqand viloyati, Oqdaryo tumani, DAVLAT
XIZMATLARI MARKAZI

tomonidan berilgan

(Ro'yxatdan o'tkazuvchi organning to'liq nomi)

